

МЕН САЙЛОВГА ТАЙЁРМАН, СИЗ-ЧИ?

Жаҳонгир Кабиржонов,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши сектор
мудир, Ёшлар парламенти
аъзоси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида 243 минг нафардан ортиқ ёшлар бирлашган. Уларнинг 27 нафари маҳаллий Кенгаш депутатлари. Шунингдек, 49 нафар ёшлар Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентиغا, 14 нафар йигит-қиз эса Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентиغا сайланган. Сафимиздаги 200 дан ортиқ йигит-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётти.

Уларнинг ҳар бири сайлов жараёнларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилишмоқда. ЎзХДП “Ёшлар қаноти” томонидан “Ёшларнинг сайловларда фаол иштирокини таъминлаш”, “Менинг биринчи сайловим”, “Сайловда ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаол иштироки” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Партия томонидан 10 760 нафар кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларнинг 17,7 фоизи ёшлардан иборат. Партиямиз сафидаги 5 минг нафардан ортиқ ёшлар сайловда биринчи марта овоз беради.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА



Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,
Марказий сайлов комиссияси
раиси:

— Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтган давр мобайнида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир 19 та қарор ва жами 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан биргаликда, жойларда Президент сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округлари ва 10 760 та сайлов участкалари тузилиб, сайловга тайёр ҳолга келтирилди.

— Ҳозирда хорижда яшайётган сайловчиларимизнинг ҳам сайлов ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун элчихоналар ва консуллик идоралари ҳузурида 38 та давлатда 54 та сайлов участкалари, 128 та шахарда 316 та қўшимча кўча сайлов участкалари, шу жумладан, дипломатик ваколатхоналаримиз бўлмаган 11 та давлатда ҳам ташкил этилди.



ФАКТ

Жорий сайловларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европа Парламенти, Туркий тилли давлатларнинг Парламент Ассамблеяси, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Осиё Парламент Ассамблеяси, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Австрия, Белгия, Буюк Британия, Германия, Грузия, Италия, Франция, Хитой, Чехия, Жанубий Корея, Латвия, Польша, Канада, Япония каби хорижий мамлакатлардан жами 968 нафар халқаро кузатувчи иштирок этади.

RAQAM

968

нафар халқаро
кузатувчи

Сайлов жараёнида аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари жами 1439 нафар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари эса 233 нафарни ташкил этди.

Демак, мустақил Ўзбекистон тарихидаги энг йирик кузатувчилар миссияси ҳамда журналистлар гуруҳи жорий сайлов жараёнларида қатнашади.

ФИКР

САЙЛОВ ҲУҚУҚИМИЗДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

Сайлов бу — бурч ёки мажбурият, деб қарайдиганлар биров янглишади. Аслида сайловда иштирок этиш, танлаган номзодимизга овоз бериш бизнинг конституциявий ҳуқуқларимиздан саналади.

Эътиборлиси, биз бу орқали эртанги кунимиз қандай бўлиши кераклиги ҳақида қароримизни билдирамиз, танловимизни эълон қиламиз. Демак, сайлов бу бирор бир жамият ҳамда мамлакатнинг тақдирини белгиловчи муҳим сиёсий жараёндир. Шу билан бирга, муштарак мақсадларни амалга оширишдаги биринчи ва муҳим қадам саналади.

Бугунги кунни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳамюртларимиз ушбу фикрларни яхши англайди. Айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси чиндан ҳам анча ўсган. Муҳими, улар жараёнларга бефарқ эмас, сиёсий партиялар фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам анча юқори.

Айни вақтда мамлакатимизда катта сиёсий жараён — Президентлик сайловига тайёргарлик кизғин паллада. Бешта номзод ўзининг сайловолди дастури ташвиқотини амалга оширмоқда. Барча номзодларнинг дастурларини кузатиб, илгари сурилайётган ғоя ва вазифалар ҳусусида батафсил маълумотларга эга бўлмоқдалар.

Сайловолди ташвиқоти жараёни қай тартибда ўтмасин, якуний ҳулоса халқимизда қолади. Чунки халқ ўзининг ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сайлов кўни муносиб, деб билган номзодга овоз беради.

Ўйлайманки, Ватандошларимиз юртимиз келажаги ва авлодлар олдидаги масъулиятларини англаган ҳолда фаол фуқаролик позициясини намоён этиб, энг муносиб номзодни қўллаб-қувватлайди. Барчани бу борада фаолликка ва яна бир бор фаолликка чақираман.

Жасурбек САЛАЕВ,
Халқ демократик партияси аъзоси.



20-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№42 (32684)

САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ ҲАР ИККИ ТОМОН УЧУН ҲАМ ҲАЯЖОНЛИ ВА СИНОВЛИ ПАЛЛА. НОМЗОД ЎЗИ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРНИНГ МАЗМУНИНИ САЙЛОВЧИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАНИНИ, ЯНА НИМАЛАРНИ ИСТАЁТГАНИНИ ҲИС ЭТИБ ГАПИРАДИ. САЙЛОВЧИ ЭСА ЎЗ ҲАЁТИЙ МАҚСАД-МУДДАОЛАРИ, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИДА ҚАНЧАЛАР МУЖАССАМ ЭКАНЛИГИГА УРҒУ ҚАРАТАДИ, ХУЛЛАС, ЎЗИГА ХОС МУҲОКАМА ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ.

АММО БУ БАРЧА МУЛОҚОТЛАРНИ, МУҲОКАМАЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРАДИГАН, ЯГОНА ҒОЯ АТРОФИДА МУЖАССАМ ҚИЛАДИГАН БИР ЖИҲАТ БОР – ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШ, ДАВЛАТ ҲАМДА ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ТАФАККУРИ УЙҒУН РИВОЖЛАНИШИГА ЎЗ УЛУШИНИ ҚЎШИШ НИЯТИДИР.

МАҚСУДА ВОРИСОВА ЖОЙЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗГАН МУЛОҚОТЛАРИДА ЎЗ ФИКРЛАРИ, ТАКЛИФ ҲАМДА ТАШАББУСЛАРИНИ МАНА ШУ ПРИЗМАДАН ТУРИБ БАЁН ҚИЛДИ, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗЛАШДИ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисова Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашувда номзод ўз дастури юзасидан маъруза қилиб, ундаги устувор йўналишлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Аввало, мамлакатимизда кейинги йилларда давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, улар ўзининг самарали натижаларини бераётгани таъкидланди.

Президент сайловининг ўзгариш ва ислохотларни янада жадаллаштириш, фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини амалга оширишдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маърузада Халқ демократик партияси кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Номзод жамиятда, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки муҳим вазифа, деб санаган ҳолда бир қатор таклифларни илгари сурмоқда.

Номзод кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шериклик амалиётини давом эттириш, янада ривожлантириш таклифи дастуридан ўрин олганини таъкидлади.

Учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан Президентликка номзодга муурожаат қилдилар. Хоразм вилоятини ҳудуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш борасида айрим таклифлар билдирилди.

Сўзга чиққан фаоллар сайловчиларни сайловда фаол иштирок этишга ва ўзига муносиб, деб билган номзодга овоз беришга чақирди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Номзодимизнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан юзма-юз учрашуви ҳам мулоқот руҳида ўтди.

Мақсуда Ворисова ўз чиқишида сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси эканини алоҳида таъкидлаб, ўзи илгари сураётган дастурнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикрларини билдирди.

Дастурда давлат бошқаруви, иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, таълим, тиббиёт, маданият, қонун устуворлигини таъминлаш, ташқи сиёсат масалаларига

доир муҳим йўналишлар қамраб олингани таъкидланди.

Учрашув сўнггида сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга номзод ва унинг ишончли вакилидан атрофлича жавоб олиш имконига эга бўлди. Сўзга чиққан фаоллар жорий йилнинг 24 октябрь кuni ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда фаол иштирок этишга чақирди.

Шу кунга қадар номзод Мақсуда Ворисова Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Тошкент шаҳридаги сайловчилар билан учрашув эса 20 октябрь кuni ўтказилиши режалаштирилган.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЯНГИ НИГОХ, ЯНГИ МЕДИА

Айни пайтда мамлакатимиз тарихидаги муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик қизғин паллада. Айниқса, бу жараёнларда оммавий ахборот воситалари сайловларнинг шаффоф, адолатли ва ҳолисона ўтказилиши учун масъулият иштирок этишмоқда.

Президент сайловини ҳолис ва ҳаққоний ёритишни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ЎзЭОАВМА томонидан Халқаро медиа холл ташкил этилиши ҳам аynи муддао бўлди. Яқинда ЎзЭОАВМА “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ушбу медиа холл ўз фаолиятини бошлади.

“Халқаро медиа-холл”нинг “Ёшлар ижод саройи”да бўлиб ўтган очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, дипломатик корпус, халқаро кузатувчилар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенат раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Одилжон Тожиев, Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низамходжаев, ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раҳбари Бобур Бекмуродов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий кенгаши раиси ўринбосари Шерзод Олимов ва бошқалар тарғибот-ташвиқот жараёнлари ҳамда медиа холлда яратилган шароитлар ҳақида сўз юритишди.

Айни кунларда бу ерда мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг дастурлари тақдироти, тегишли вазирлик ва идоралар, экспертлар иштирокида юртимизда сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар бўйича мулоқотлар, долзарб мавзудаги бахс-мунозаралар, ёш журналистлар ва блогерлар иштирокидаги турли брифинглар, маҳорат дарслари ва қизиқарли танловлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, медиа холлда халқаро кузатувчилар, хорижий ва маҳаллий журналистлар ва меҳмонлар учун мулоқот майдони ташкил этилган. Ўз навбатида сиёсий партиялар томонидан брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказиляпти, маданий тадбирлар уюштириляпти. Умуман олганда, журналистлар бу ерда эркин ишлашлари, суҳбатлар уюштириши ва интервьюлар олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, “Халқаро медиа-холл”да бир қатор концертлар, фильм тақдимотлари, қатор маданий дастурларни ҳам томоша қилишнинг имконияти бўлади.

“Халқаро медиа-холл” 2021 йилнинг 26 октябрга қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

Гулрух ОДАШБОВА,
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

МУЛОҲАЗА



ОЛТИН ОСТОНА

Ҳурматли газетхон! Газетамизнинг ушбу сони сизнинг қўлингизга етиб борганда, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа – Президент сайлови кампанияси якунига етаётган бўлади.

Келаётган якшанба эса мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очилишига дебозча бўлади. Фуқаролар эркин овоз бериш йўли билан мустақил, демократик Ўзбекистоннинг бўлғуси раҳбарини беш йиллик мандатга сайлайдилар.

Сайлов – халқнинг энг бирламчи, муқаддас, асосий ҳуқуқидир. Кўрдикки, жорий сайловларда номзодлар ўртасида чинакам дўстона рақобат, мунозара муҳити вужудга келди. Номзодларнинг турли мавзулардаги қарашлари қизғин муҳокама қилинди.

Сайлов кампанияси ниҳояланаётган айни кунларда, барчамизнинг кўнглимизда бир порлоқ истиқболга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. Чунки, демократик кадриятлар барқарор бир шароитда ўтказилган сиёсий тадбир халқимизнинг бугунги маданий-маънавий, иқтисодий-сиёсий

даражасини ҳам яққол намоён этди.

Президент сайлови – ўтган беш йилликка баҳо бериладиган, ғалвир сувдан кўтариладиган, давлатнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этадиган воқелиқдир. Мамлакатимизда

САВОЛ: Сайлов натижалари қанча муддатда эълон қилинади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай, яъни 2021 йил 3 ноябргача қабул қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг расмий вебсайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Саид БОБОЕВ.

Дастурдаги энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРАР ЭКАН, АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ САЙЛОВ ШУКУҲИ БИЛАН ЯШАМОҚДА. АЙНИҚСА, ЖОЙЛАРДА НОМЗОДЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР ЖАРАЁННИНГ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН, ОШКОРА ЁРИТИБ БОРИЛИШИ – БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ КАМПАНИЯСИГА АЛОҲИДА ЖЎШҚИНЛИК, РАНГ-БАРАНГЛИК БАҒИШЛАМОҚДА.

ҚУЙИДА ПАРТИЯМИЗДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВАНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВЛАР, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАРИДА ҲАМ ЮҚОРИДА ТАЪКИДЛАНГАН ЖИҲАТ ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Ҳар бир ҳудудда бўлгани каби Андижонда ҳам Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили учрашувларни қизғин давом эттирмоқда. Партиянинг вилоят кенгаши раиси, номзоднинг ишончли вакили Абдулҳамид Нурматовнинг Марҳамат туманидаги сайловчилар билан учрашуви мулоқот асосида кечди. 5-сон мусиқа ва санъат мактабига йиғилган 200 га яқин аҳоли вакиллари сайловга оид ҳуқуқлари ва овоз бериш жараёнидаги ўзгаришлар ҳақида саволлар билан мурожаат қилди.

Режага кўра, вилоятнинг Балиқчи туманида ҳам учрашув бўлиб ўтди. Маданият саройига йиғилганларни кўрганлар халқимизнинг сайловга муносабатига гувоҳ бўлиши мумкин эди. Ёшлар, нурунийлар, ўқитувчи ва шифокорлар, деҳқонлар, умуман, аҳолининг турли қатлам вакиллари бир манзилда жам бўлди. Ишончли вакил А.Нурматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи

ҳоли ва дастури билан таништирди. Ҳар бир йўналиш юзасидан сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Булоқбоши туманида ўтказилган учрашувда 150 нафарга яқин сайловчи қатнашди. Ишончли вакил одатга кўра, номзоднинг ҳаёти ва фаолияти билан уларни таништирди. Дастур ҳақида сўз борар экан, унда илгари сурилган ташаббусларнинг аксарияти ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилгани таъкидланди.

Ана шундай учрашувларнинг яна бири Қўрғонтепа туманида бўлиб ўтди. Учрашувда иштирок этган аҳолининг турли қатлам вакиллари ўзларига қизиқ бўлган масалаларда мурожаат қилди.

Ишончли вакил ҳамюртларимизнинг фаоллиги, сиёсий уйғоқлигини эътироф этиб, уларнинг ҳар бир саволига атрофлича жавоб берди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ишончли вакили Халилла Ешимбетов ҳам жойларда сайловчилар билан учрашувларни давом эттирмоқда. Улардан бири Ну-

кус шаҳрида бўлиб ўтди.

Дастлаб Сайловолди дастурда мамлакатда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ташаббуси илгари сурилгани таъкидланди. Ушбу мақсадда маҳалла тизимини янада ривожлантириш,

маъмурий, ижтимоий, маданий ва бошқа масалаларни ҳал этишда унинг иштирокини кенгайтириш лозим бўлади.

Ишончли вакил илгари сурилган бошқа таклифларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Наманган вилоятидаги ишончли вакили Илҳом Отабоев ногиронлиги бўлган шахслар билан учрашув ўтказди.

Унда вилоят Ногиронлар ассоциацияси, Кўзи ожизлар жамияти ва Кар-соқовлар жамияти вилоят бўлимлари вакиллари иштирок этди. Ишончли вакил эндиликда кўзи ожиз фуқаролар брайль алифбоси ёрдамида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг

дастури билан яқиндан танишишлари мумкинлиги ҳақида айтиб ўтди.

Учрашув давомида ишончли вакилнинг номзод дастури бўйича билдирган барча фикрлари сурдо таржимон кўмағида эшитиш ва гапириш имконияти чекланган шахсларга етказиб, тушунтириб берилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг брайль алифбосидаги дастури вилоят кўзи ожизлар жамиятига фойдаланиш учун топширилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг Самарқанд вилояти бўйича ишончли вакили Бадриддин Насриев Нарпай туманида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Унда туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, бошланғич партия ташкилоти аъзолари, муассаса раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ишончли вакил дастлаб сайловчиларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. Номзоднинг дастури мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.

Халқ депутатлари Нарпай туман Кенгаши депутати У.Шарипов номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларга тўхталиб, унда оилалар фаровонлиги, болалар учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларнинг таҳсил олиши, кексаларга ғамхўрлик қилишни таъминлаш каби муҳим масалалар илгари сурилгани, ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонлари устуворлигини кучайтириш Халқ демократик партиясининг бош мақсади ҳисобланишини алоҳида таъкидлади.

Очик, самимий мулоқот руҳида ўтган учрашувда сайловчилар дастур юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Ишончли вакил номзоднинг дастури ҳамда сайлов жараёнлари юзасидан сайловчиларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Тошкент кимё технологиялари институти Шаҳрисабз филиалида Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг дастури тарғиботида бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Тўрақул Узоқов олиб борди.

Учрашувда номзод дастуридаги устувор йўналишларга эътибор қаратилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

қилиш, оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларнинг ижтимоий турар жой шaroитини янада яхшилаш каби масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дастурдан махсус адабиётларни, жумладан, овоз жўрлигидаги брайль алифбоси асосида ҳам чоп этиш ва харид қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш масалалари ҳам жой олгани таъкидланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Фарғона вилояти бўйича ишончли вакили Зокиржон Зоҳидов Марғилон шаҳридаги сайловчилар билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Учрашувда партиянинг вилоят ва туман кенгаши ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва ижтимоий соҳа вакиллари иштирок этди.

Номзоднинг ишончли вакили тадбир иштирокчиларини Мақсуда Ворисованинг дастури билан таништирди. Унда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлар манфаатлари қамраб олингани таъкидланди.

Хусусан, кам таъминлаган, ногиронлиги бўлган шахслар, вақтинча банд бўлмаган фуқаролар, пенсионерларнинг ҳуқуқларига оид ташаббуслар ҳақида сўз юритилди.

Асосийси, сайлов жараёнларига тайёргарлик ҳамда бу борада халқаро экспертларнинг хулосалари ижобий экани қайд этилди. Ишончли вакилнинг таъкидлашича, сайлов умумэтироф этилган халқаро сайлов мезонлари асосида ўтказилиши сайлов жараёнларининг очик ва ошкоралигини таъминлайди. Фуқароларга конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини тўлиқ кафолатлайди, кузатувчилар ва сайловчилар учун қулай шароит яратди. Буларнинг барчаси пировардида мамлакатимизда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланишига, очик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилишига, юртимизни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

Қувасой шаҳрида ҳам сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда йиғилганлар номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури билан таништирилди. Дастурдаги энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди.

Таъкидландики, ногиронлиги

бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун биринчи навбатда миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш керак бўлади. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, уларга маънавий-маърифий соҳада тенг имкониятларни таъминлаш лозимлиги билдирилмоқда.

Учрашув иштирокчилари номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизғин мулоқот давомида барча саволларга жавоб берилди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Гулрух ОДАШБОЕВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбирлари.**



Табиат қўйнида одамлар ўзини соғлом ва бахтли ҳис қилади.

“Ўзсувтаъминот” тизимида коррупцияга қарши курашнинг айрим натижалари

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти ҳамда унинг тизим ташкилотларида комплаенс-назорат бўлимлари ташкил этилиб, улар малакали кадрлар билан таъминлангани бугун ўз самарасини бераётганини ҳаттоки, чекка туман ва қишлоқларда яшаётган аҳоли ҳам сезаётганини мамнуният билан айтиш мумкин.

– Коррупцияга қарши мурасасиз курашиш мақсадида тизим ташкилотларининг барчасида комплаенс-назорат бўлимлари ташкил этилган. Бу бўлимда ишлашга талабгорларни ишга қабул қилишдан олдин очиқ танлов эълон қилиниб, номзодлар билан суҳбат ўтказилди. Жараёнда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходимлари иштирок этди, – дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари, **“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти раиси Соҳиб Саифназаров.** – Бўлим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада тизимда коррупцияга қарши курашиш, етказилган зарарни ҳисоблаш ва тегишли тартибда ундириш, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўриш бўйича салмоқли ишларни амалга оширди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойда комплаенс-назорат бўлими томонидан жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида таш-

килотимизга қарашли бўлган ҳудудлардаги масъулияти чекланган жамиятлар томонидан 109 та ҳолатда 9,1 миллиард сўмлик молиявий хатоликлар ва коррупцион ҳолатларга йўл қўйилгани аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича бугунги кунда 55 тасида 3 миллиард сўмлик жамият мулки қайтарилишига эришилди. Бундан ташқари, 42 та ҳолат бўйича 7,4 миллиард сўмлик ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган бўлиб, жамиятга етказилган молиявий зарарни айбдор шахслардан ундириш чоралари кўрилмоқда.

Мисол учун, Наманган вилояти Уйчи тумани “Гулбоғ” МФИда жойлашган “Сув тозалаш” бино-иншоотлари ягона таъсисчининг келишувисиз утилизация қийматидан келиб чиқиб, жамиятнинг собиқ раҳбари ва ходимлари томонидан аукцион орқали 25,2 миллион сўмга ноқонуний тарзда сотиб юборилгани аниқланган. Ушбу ҳолат бўйича соҳа мутахассислари жалб қилиниб, қайта текширув ўтказилиши натижасида бу бино-иншоотларнинг баҳоси, яъни бугунги кундаги қиймати 1,8 миллиард сўмга тенг эканлиги маълум бўлган.

Мана, кун кеча Сурхондарё вилоятида аниқланган ҳолатни олинг. “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖнинг Жарқўрғон туман бўлими истеъмолчилар хизмати бўлимининг юридик шахслар билан ишловчи муҳандис-инспектори ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ҳудуддаги МЧЖлардан бирининг бошлиғидан сув ўлчагисиз ичимлик сув тармоғига улаб олганлиги учун унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилмаслиги ва жаримага тортмаслиги эъзаига 2,5 миллион сўм пора талаб қилиб, пуллари олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Шунингдек, комплаенс-назорат бўлими ходимлари томонидан 1 397 та товар-моддий бойликлари хариди билан боғлиқ шартнома

ҳужжатлари ўрганилганда 587 та ҳолатда 15,1 миллиард сўмлик шартномалар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда тўғридан-тўғри расмийлаштирилгани аниқланган ва бу ҳолатлар бўйича ҳам тегишли тартибда хатога йўл қўйганларга нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилган.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида 36 та манфаатлар тўғнашуви билан боғлиқ ҳолатлар ҳам аниқланиб, бугунги кунга қадар уларнинг 23 таси бартараф этилган ва иккитаси чора кўриш учун жойлардаги одоб-ахлоқ комиссияларига юборилган. Қўшимча қилиб яна шун айтиш мумкинки, ушбу бўлим томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган коррупция билан боғлиқ 89 мурожаатнинг 85 таси ижобий ҳал этилган бўлиб, 4 таси ҳал этиш жараёнида.

Бир сўз билан айтганда, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш, соҳада ушбу иллатни тўлиқ йўқ қилиш, аниқланган коррупциявий ҳолатлар юзасидан зарур чоралар кўриш, шунингдек, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя этилишини таъминлаш масалалари “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг доимий диққат марказида бўлиб, жамият томонидан ходимлар ўртасида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тизимда очиклик ва шаффофлик тамойилларини қарор топтириш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жамият бошқарув марказий аппарат таркибига жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий сув таъминоти масъулияти чекланган жамиятларида алоҳида бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган.




Улар ҳар куни соат 17:00 га қадар Девонхона томонидан кун давомида келиб тушган мурожаатларнинг кунлик ҳаракати тўғрисида аризалар муаллифи кесимида маълумотлар шакллантирилиб, кўриб чиқилади ва 18:00 га қадар раисга ҳисоботи берилади. Бундан ташқари, мурожаатларни ижро ҳолати марказий аппаратда ҳафтанинг душанба куни раис ҳузурда, жума кунлари бошқарув раиси биринчи ўринбосари бошчилигида батафсил ҳар бир ариза кесимида муҳокама қилинади ва ижобий ҳал этилишига эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, жамият тизимида бугунги кунда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш учун (12-55) ягона қисқа рақам, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати кўрсатиш соҳасида содир бўладиган аварияларни бартараф этиш бўйича (10-54) қисқа рақами, МЧЖ ва туман бўлимларини “call center”лари, ижтимоий тармоқлар (facebook, Instagram) ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш телеграм гуруҳлари ишга туширилган.

Хулоса ўрнида шун айтиш мумкинки, бугун аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими орқали жамиятга келиб тушаётган барча мурожаатлар ижроси доимий назоратга олинган.

Таштемир Худойкулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

«ЯХШИ ҲОРДИҚ – УНУМЛИ МЕҲНАТ»



МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИМИЗГА КЎРКАМЛИК, РУҲИАТИМИЗГА ЭСА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ. ҚОЛАВЕРСА, БУНДАЙ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БОҒЛАРДА ОДАМЛАР НАФАҚАТ ДАМ ОЛАДИ, БАЛКИ ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНЛИГИНИ ЯНАДА ТЕРАНРОҚ ҲИС ҚИЛАДИ.

Бугун халқимиз учун ҳар жиҳатдан муносиб шароитлар яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, замонавий маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, улар доирасини кенгайтириш масаласига эътибор қаратилди. Жумладан, Наманганда “Афсоналар боғи”, Тошкентда “Ашхабод”, “Наврўз”, “Tashkent City Park”, “Magic City”, Андижонда “Олтинсой”, Нукусда “Амир Темури боғи” ва кўплаб туман ва шаҳарларимизда замон талабларига мос равишда маданият ва истироҳат боғлари барпо этилди.

Ушбу ўзгаришлар замирида авваломбор, соҳани ривожлантиришга асос бўлган мустақкам ҳуқуқий база мўжассам. Мазкур йўналишда кўплаб фармон ва қарорлар, ҳукумат дастурлари қабул қилинди. Хусусан, Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги Қонунга асосан маданият ва истироҳат боғлари маданий-маърифий ташкилотлар рўйхатида киритилди.

Бироқ шуни ҳам тан олиш керак, айрим ҳудудлардаги объектлар мўтасадди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги сабабли қаровисиз қолмоқда. Дарахт ва буталарнинг кесилиши натижасида яшиллик дунёсига зиён етказил-

моқда. Бу йил об-ҳаво ҳарорати ҳар қанчалик ҳам иссиқ ва жазирама бўлди. Шундай пайтларда одамлар албатта соя-салқин жойга интилади, сувли, дарахтли масканда ҳордиқ чиқаришни истади. Ахир ҳамма-нинг ҳам шаҳар четларида дала маскани йўқ. Ҳамманинг ҳам тоғли ҳудудларда фалон пулга дам олиб келгани моддий имконияти йўқ. Кўплаб турар жой мавзелирида одамлар сайр қиладиган, спорт билан шуғулланидиган, фарзандлари билан бирга тоза ҳавода дам оладиган очиқ жойнинг ўзи қолмаётгани ҳақида давлатимиз раҳбари ҳам танқидий мулоҳазаларини билдирган. Бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар кўриш зарурлиги таъкидланган.

Бунга етарли асослар бор, албатта. Биргина пойтахтимизни оладиган бўлсак, айрим истироҳат боғларининг ҳолати ёки умуман фаолият кўрсатмаётгани шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлди.

Мисол учун, Ғафур Ғулом, Бобур, Абдулла Қодирий номи маданият ва истироҳат боғларида реконструкция ишлари натижасида ноқонуний дарахт кесилишлар ҳолатлари учраганлиги, дарахтлар суғорилмаганлиги сабабли қуриётганлиги

аниқланган. Ҳўш, бу масканларнинг асл ҳолати сакланиб қолишига ким қафолат беради? Ахир аслида ана шу боғлар шаҳарнинг юраги, одамларнинг жонига оро қирадиган масканлар эмасми?

Аслида шаҳарларда бинолар жойлашган ҳудудлардан кам бўлмаган микдорда яшиллик, парклар, боғлар, сайилгоҳлар бўлиши шарт. Акс ҳолда экологик мувозанат йўқолади ва бу табиатга ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Истироҳат боғлари ҳар бир киши табиат қўйнида ўз вақтини завқ билан ўтказадиган муҳим жамоат жойи ҳисобланади. Шу боис истироҳат боғларида қариялар, болалар, ногиронлиги бўлганлар, уй ҳайвонларини етаклаган одамлар, шунингдек, жинси, ёши, ирқи ва касбидан қатъи назар, барча учун қулай шароит яратилиши керак.

БОЛАЛАР ЎЙИНГОҲЛАРИ

Бугун қаерга қараманг, уй-жойлар, кўзни қамаштирадиган бинолар асфальтга кўзингиз тушади. Истироҳат боғлари бугун турли ўйинчок ва озик-овқат дўконлари, кафе, аттракционлардан иборат ясама ҳудудларга айланиб қолган. Ҳўш, бу болаларимиз учун қанчалик зарур? Тўғри, уларга учадиган аргимчоқлар, турли ўйинлар керак, албатта. Аммо болалар тоза ҳавода, очиқ ҳудудда, табиат билан ошно бўлган ҳолда вақт ўтказсалар, қанчалар соз бўларди...

Энг ачинарлиси, бугун манзарали ҳудудлар айрим ҳолларда қўли банд тадбиркорлару раҳбарлар томонидан қўёш қиздириб турган, яйдок сохта ўйингоҳларга айлантирилмоқда. Бу ерга фарзандини бир марта олиб борган инсон бошқа сафар қайтиб олиб бормаيد. Аслида дов-дарахтларни таг-туғи билан кўпортирган одамларнинг ўзлари ҳам болаларининг бу ерда дам олишларини исташмас керак. Уйимиз олди тупроқли эди. Бо-

лалар ўйингоҳидаги жиҳозлар ҳам эскириб улгурган. Ўтган йили ана шу кичик майдон атрофи ўралиб, янги ўйин жиҳозлари келтирилди. Болаларнинг кўзларидаги қувонч ота-оналарнинг севинчига уланди. Ҳар ҳолда дам олиш кунлари, ишдан бўш вақтларида ўйингоҳ қидириб бошқа ҳудудларга боришлари шарт бўлмай қолди.

Шаҳарларимиз қиёфаси ўзгарган, ҳавас қилгулик даражага етётган бир пайтда олис ва чекка ҳудудлардаги болажонлар ҳам шундай қувончдан баҳра олишяптими, деган ўй ўтади ҳаёлимиздан. Уларда кенг майдон, биттагина футбол коптоғи ҳамиша топилади. Аммо аттракционларда учини, турли замонавий ўйинларни ўйнашни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз?

Болалигимизда қишлоғимизда сўлим боғ бўларди. Ҳатто бошқа ҳудудлардан ҳам меҳмонлар дам олиш учун боғимизга келишарди. Кейин негидир боғ қаровисиз қолди. Кейинги йилларда бу истироҳат боғи назоратга олинди, аммо ҳали ҳам аввалги ҳолатига қайтгани йўқ. Бунга катта маблағ керакдир, балки. Аммо бу жойнинг қайта реконструкция қилиниши тиним билмай меҳнат қиладиган қишлоқ одамларига катта совға бўлиши табиий. Мен бу мисолни нима учун келтирдим? Кўп ҳудудларда истироҳат масканларининг ўрни бор, ўзи йўқ, яъни қишлоғимиз боғи каби қаровисиз, таъмирга, эътиборга муҳтож. Жойлардаги масъуллар ана шундай бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда бирозгина маблағ сарфлаб, одамларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун гўзал ҳудудлар кўпайишига ҳисса қўшса, нур устига нур бўларди. Яхши дам олган одамларнинг меҳнат самарадорлиги ҳам ортади.

ҲАММА УЧУН БИР ХИЛ ШАРОИТ

Истироҳат боғларига келувчиларнинг турли эҳтиёжлари, балки улар ўртасидаги ўзаро мулоқот ҳам ино-

батга олиниши керак, назаримизда. Дам олиш масканларида нафақат соғлом болалар, балки ногиронлиги бўлган болажонларнинг ҳам биргаликда ўйнашлари учун шароитлар яратиш масаласи, бизнингча, қониқарли эмас. Ўйин майдончаларига улар ҳеч қандай тўсиқсиз бемалол қира олишади, дея олмаимиз. Катта истироҳат боғлари уёқда турсин, уйларимиз олдидаги оддий болалар майдончаларида ҳам бундай шароит йўқ аслида. Бундай ҳудудларда болалар ота-оналарнинг кўмагисиз ўйнашолмайди. Боғлардаги зиналар ёнида ҳам аравачалар ҳаракатланиши учун махсус йўлақлар ажратилмаган.

Болалар учун парклар турли ўйинларни ўрганиш, бошқалар билан ижтимоий алоқалар ўрнатиш учун қулай жой ҳисобланади. Шунингдек, боғлар болаларнинг турли кўникмаларини ривожлантиради ва уларга дўстлар орттиришга ёрдам беради. Бунда нафақат соғлом болалар, балки ногиронлиги бўлган болаларга ҳам шароитлар яратилиш керак.

Шаҳарлардаги ашиш ҳудудлар одамларни тинчлантиради, уларга хотиржамлик бағишлайди. Истироҳат боғларида қисқа муддатли сайр ҳам мароқли дам олишимизга ёрдам беради. Она табиат қўйнида одамлар ўзини соғлом ва бахтли ҳис қилади.

Гулруҳ ОДАШБОВЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Шифокор билан маслаҳатлашинг.

20-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№42 (32684)

**КУЗ-ҚИШ
ФАСЛИДА
РЕСПИРАТОР
ИНФЕКЦИЯЛИ
КАСАЛЛИКЛАР
КЎП УЧРАЙДИ.
УЛАРДАН БУТУН
ДУНЁДА КЕНГ
ТАРҚАЛГАНИ
ЭСА МАВСУМИЙ
ГРИПП
ҲИСОБЛАНАДИ.
ГРИПП –
ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР
СИРАСИГА
КИРГАНИ УЧУН
БУ МАВСУМДА
ХАВФЛИЛИК
ДАРАЖАСИ
ОРТАДИ.**



ГРИППГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ОЛДИНГИЗМИ?

Грипп касаллигига барча ёшдагилар мойил. У, айниқса, нимжон болалар, кекса ёшдаги кишилар, ҳомиладорлик ҳамда сурункали хасталиклари бўлган кишиларга тез юқади. Бу айрим ҳолларда кўпгина оғир асоратларга олиб келиши ҳам мумкин.

Грипп, кўпчилик ўзини ўзи даволаш, оёқда ўтказиб юборадиган беозор касаллик деган фикр хатарли адашишдир, у хавфли оқибатларга, оғир асоратларга, саломатлиқнинг ёмонлашишига ва ҳатто ўлим билан тугалланишгача олиб келади.

Маълумотларга кўра, ҳар йили катталарнинг 5-10 фоизи ва болаларнинг 20-30 фоизи гриппга чалинади. Тўғри, кўп инсонлар касалликка дош беради. Аммо йилига 3-5 миллион нафар одам гриппнинг оғир турини бошдан кечиради, бу эса 250-500 минг, баъзида эса 1 миллион нафаргача кишининг ўлимига олиб келади. Шу рақамнинг ўзиёқ бу қанчалик хавфли эканлигини билдиради.

Республика вирусология илмий-текшириш институти клиникаси бош шифокори Мухайё АСИЛОВА билан грипп ва унинг асоратлари хусусида суҳбатлашдик. Шифокор гриппнинг олдини олиш учун тавсиялар берди.

КЛИНИК КЎРИНИШЛАРИ

Об-ҳавонинг совуви бориши оқибатида ҳозирда юртимизда мавсумий касалликларнинг тарқалиши кўпаймоқда. Грипп — улардан энг фаоли бўлиб, пандемия шароитида бу касалликка эътиборсиз бўлиш асло мумкин эмас.

Грипп энг кенг ва тез тарқаладиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, деярли дунёнинг барча мамлакатларида учрайди. Бу касаллик учун мавсумийлик хос бўлиб, асосан, куз ва қиш ойларида кўп ҳолатда рўйхатга олинади. Грипп касаллиги кўрсаткичларининг мавсумий кўтарилиши ноябрь ва март ойларида тўғри келади.

Грипп вирусининг А, В ва С турлари мавжуд. Касаллик манбаи

фақат бемор одам ҳисобланади. Хасталик ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўплаб грипп вирусларини ажратади. Вируслар ҳавода уч соат сақланиб туради. Шу боис соғлом одамлар грипп

вируси бор ҳаводан нафас олиши натижасида касалликни юктириши мумкин. Касаллик тўсатдан бошланади. Кўпроқ эмизикли, боғча ва мактаб ёшидаги болалар, қариялар ҳамда витамин етишмовчилигидан азият чекадиганлар грипп инфекциясини юктиришга мойил бўлишади.

У нафас йўлларининг яллиғланиши билан бошланиб, кейинчалик беморда тана ҳарорати 38-40 даражага кўтарилиши, бош ва томоқ оғриши, бурун битиши, бурундан суюқлик аж-

ралиши, йўтал, мушакларда оғриқ, ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши, баъзи ҳолларда қусиш ҳолатлари кузатилади. Ушбу аломатларнинг баъзилари мавжуд бўлмаслиги мумкин, аммо юқори иситма ва кескин бошланиш касаллиқнинг асосий белгисидир. Касаллик беморларда енгил, ўрта ва оғир шаклларда кечади.

ШАМОЛЛАШ ВА ГРИППНИНГ ФАРҚИ...

Оддий тумов, йўтал, томоқ қичиши ва оғриши — бу грипп эмас. Бу шунчаки яллиғланиш касалликлари бўлиб, грипп улардан ўн чандон хавфлидир.

Энг муҳими, енгил шомоллаш аломатлари билан гриппни фарқлай билиш керак. Шомоллаш тиббиёт тили билан айтадиган бўлсак, ўРҚ (ўткир респиратор касалликлар) барча турдаги ўткир бактериал ва вирусли касалликларни ўз ичига олади. Бу ташхис ҳеч қандай лаборатор текширувларсиз қўйилади. Касаллик белгилари одатда енгил ҳолсизлик ва юқори нафас йўллари яллиғланиши билан кечади. Шунингдек, енгил шомоллашда йўтал, томоқ оғриғи, овоз ва бурун битиши юзга келади. ЎРВИ ўз вақтида тўғри даволанса, асоратларсиз кечади. Аммо гриппнинг оғир шаклларида асоратлар, хусусан, пневмония юзга келиши мумкин.

Грипп эса вирусли касаллик бўлиб, грипп вируси асосий сабабчи бўлади. Бугунги кунга келиб унинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, йилдан-йилга мутациялар натижасида унинг штаммлари кўпайиб бормоқда. Энг ёмони, бу штаммларнинг айримлари инсон ҳаётига хавф солиши ҳам мумкин.

Юқори тана ҳарорати — ўткир гриппга хос. 38-40 даражагача кўтарилиб, безгак, эт увишиши, кўп терлаш, уйқучанлик, мушакларда оғриқ юз беради. Бурун битиши эса шомоллашга хос. Ҳолсизлик шомоллашда енгилроқ, гриппда кучли бўлади. Шунингдек, бутун танада, суюқларда, мушакларда зирқираб

оғриш ҳам кўпроқ гриппга хосдир.

Касаллик қандай бўлишидан қатъи назар, инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига жиддий путур етказиши мумкин. Шу боис, соғлиғимизга бўлган масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, мавсумий касалликлардан эҳтиёт бўлайлик.

ЭМЛАШ...

Гриппга қарши мавсумий вакциналаш бутун дунёда аллақачон ўзининг ижобий томонларини кўрсатиб бўлган. Вакцина яхши ўтади ва соғлиқ учун хавфли эмас. Статистик маълумотларга кўра, эмлашдан сўнг касалликка чалиниш хавфи 70-90 фоизга камаюди. Вакциналашдан кейин ҳам грипп билан оғирганларда эса касаллик енгилроқ кўринишда кечади ва асоратларни чақирмайди.

ЖССТ гриппга қарши ҳар йили эмланишни қатъий равишда тавсия қиладиган гуруҳлар бор. Уларга ҳомиладорликнинг ҳар қандай босқичидаги ҳомиладор аёллар, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар, кекса одамлар (65 ёш ва ундан катта), сурункали касалликларга чалинган беморлар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари киради.

Ўзбекистонда гриппга қарши бепул вакцинация эпидемиологик кўрсатмаларга асосан амалга оширилади. Бюджет ҳисобидан харид қилинган вакциналар асосан оғир юрак-қон-томир касаллигига чалинган ва тез-тез касал бўладиган болаларга берилади. Эпидемиологик вазиятга қараб одамлар билан кўп мулоқотда бўладиган касб эгалари ҳам бепул эмланади.

Умуман олганда, гриппга қарши вакцинация қилишга қарши кўрсатмалар йўқ, яъни бу эмлаш тури ҳаммага қилиниши мумкин. Аммо шунга қарамай, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиб, организмнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган ҳолда вакцина олиш лозим.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

ГРИППГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР:

- ✓ **Вакцина;**
- ✓ **Мавсумга хос кийиниш;**
- ✓ **Хоналарни вақти-вақти билан шомоллатиб туриш;**
- ✓ **Хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 22 даражадан паст бўлмаслиги;**
- ✓ **Касалликни эрта аниқлаш чора-тадбирларини кўриш;**
- ✓ **Ижтимоий масофа сақлаш;**
- ✓ **Таълим муассасаларида ҳар куни болаларни камида 2 мартаба тоза ҳавога сайрга чиқилиши таъминлаш;**
- ✓ **Санитария-тарғибот ишларини олиб бориш;**
- ✓ **Дезинфекция воситалари орқали намли тозалов ишларини олиб бориш.**



ХДП ҲАЁТИДАН



ПАРТИЯМИЗ ФАОЛИ 5 НАФАР БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛДИ

Ўзбекистон ХДП аъзоси ва 2014-2015 йилларда партия Наманган вилоят кенгашида “Фаол аёллар” қаноти раҳбарлигида фаолият олиб борган Феруза Абдурахманова эндиликда саккиз нафар боланинг меҳрибон онаси. Феруза Абдурахманова турмуш ўртоғи Зоҳиджон Исмоилов билан уч нафар Фотима, Хусанбой ва Фаҳрия исмли фарзандлари қаторига Меҳрибонлик уйининг 5 нафар тарбияланувчилари — Лариса, Азизбек, Озодбек, Элмурод ва Мухторжонни фарзандликка олди.

— Болаларни жуда яхши кўраман. Қанча кўп бўлишса ҳам ҳар бирининг ўрни бўлак, — дейди 26-сонли Меҳрибонлик уйи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Феруза Абдурахманова. — Оилавий меҳрибонлик уйлари ташкил этилиши ҳақида эшитганимдан буён, кўнглимда битта фикр, Лариса, Азизбек, Озодбек, Элмурод ва Мухторжонни фарзандларим сафига олиш бўлди. Улар келаси йил ўрта мактабни тамомлаб, олий таълим муассасаларига киришида имкониятлар яратиб бериш лозим. Чунки болаларимизнинг келажагига бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ. Биз янгидан ташкил топган оилавий меҳрибонлик уйимизга «Янги авлод», деб ном қўйдик.

Ўз мухбиримиз.

ПОЙТАХТДА УЧИНЧИ МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида бунёд этилган ва замонавий ИТ-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган Яшнобод туман Давлат хизматлар марказининг 800 квадрат метр майдонга эга янги биноси ўз фаолиятини бошлади.

Бино қурилишида замонавий шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлик ва фуқаролар учун энг қулай шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилди. Мурожаатчиларга бир вақтнинг ўзида 160 дан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатиш имкони яратилди. Бу ерда электрон навбат тизими, ахборот киоскаси, электрон хизматлардан мустақил фойдаланиш ва саломатлик бурчаклари, болалар майдончаси ҳамда мини-кутубхона ташкил қилинган. Ташриф буюрувчилар хизматлардан мустақил фойдаланишлари, шунингдек, турли имкониятлардан хабардор бўлишлари учун ахборот стендлари ва постерлар қўйилган.




Марказда аҳолининг барча қатламларига, ҳаттоки кекса ёшдаги инсонларга ҳам хизматлардан қулай фойдаланиш имконияти мавжуд. Бошқа ДХМлар каби аксарият давлат хизматларидан экстерриториал тамойили асосида, яъни яшаш ва турган жойдан қатъи назар фойдаланиш мумкин.

Ташриф буюрувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, давлат хизматларидан фойдаланишда NFC махсус қурилмаси ишга туширилди. Унинг ёрдамида ID картадаги фуқароннинг шахси аниқланади ва тизимда аризачининг маълумотлари автомат тарзда тўлдирилади.

Мурожаатчилар бир жойининг ўзида турли масалаларга ечим топишлари мумкин, яъни эндиликда фуқароларнинг идорама-идора оворагарчиликларининг олдини олиш мақсадида бинога Президент Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси ҳамда ФХДБ бўлими яойлаштирилди.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида 12 та Давлат хизматлари маркази мавжуд бўлиб, уларнинг учтаси замонавий шарт-шароитларга эга.

Ўз мухбиримиз.



ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ...

ПИЁДАЛАР НИМА ҚИЛСИН?

Ёдингизда бўлса, болалигимизда йўл ҳаракати қоидаларига оид дарс ўтилар эди. Унда пиёда сифатида қандай ҳаракатланишимиз кераклиги, светофор чирокларига амал қилиш тартиби, йўлни кесиб ўтиш талабларини ўргатишган.

Хаттоки, светофор ҳақида шеърлар ҳам ёдлаганимиз эсимда. Сариқ ёнса, бўл тайёр, қизил ёнса йўл очик, деган сатрлар ҳамон хотирамда сақланиб қолган. Хўш, бугун ушбу дарслар қаерда қолди?

Нега мактабларда йўл ҳаракати предмети бошқа фанлар таркибида ёки факультатив соатлар сифатида ўтिलाётми? Ахир аҳвол яхшимас-ку!

ВАЗИРЛИК НИМА ДЕЙДИ?

Бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасаларининг бошланғич синфларида "Йўл ҳаракати қоидалари"га оид маълумотлар умумий ўрта таълим муассасаларининг 2-8-синфларида "Синф соати" доирасида 8 соатдан бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан ўқитиб келинмоқда.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синфида "Тарбия" фани ўқув дастурига "Белгилар нимадан оғохлантиради?", "Инсон ҳаётида қоидаларнинг ўрни", "Қоидалар нима учун керак?", "Қоидалар ва уларга амал қилиш", "Қоидаларни ким яратган?", "Бизнинг ҳаётимиздаги қоидалар", "Жамоат транспортида", "Йўл ҳаракати қоидалари қандай пайдо бўлган", "Пиёда – умринг бўлсин зиёда", "Хавфсизлигинг ўз қўлингизда", "Хавфсизлик, оғохлик, ҳушёр бўлиш", "Хавфсизлик қоидаларини биламизми?" каби маълумотлар киритилган.

Мазкур фанлардан дарс бериб келаётган ўқитувчиларга Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида малака ошириш курсларининг "Танлов фанлари" модулига 2 соат "Йўл ҳаракати хавфсизлиги" бўйича ўқувлар йўлга қўйилган. Умумий ўрта таълим муассасалари юқори синфларида эса вояга етмаган пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида доимий профилактика тадбирлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг 2016 йил 1 мартдаги "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Яшил чирок" мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида"ги 7, 12, 4, 10, 07к, 239, 1-122/ққ, 3, 33-сон қўшма қарорига асосан умумтаълим мактаблари жамоалари ўртасида республика "Яшил чирок" мусобақаси ўтказиб келинмоқда.

Булларнинг барчаси ўғил-қизларнинг йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишига қаратилган бўлиб, уларда кўникма ҳосил қилишга асос бўлмоқда.

ЎҚИТУВЧИ ЎРГАНИШГА МУҲТОЖ БЎЛСА-ЧИ?

Хўп, биринчи синфлар учун ўтиладиган тарбиявий соатлар ичида йўл ҳаракати билан боғлиқ қоидалар ўргатилаётми. Бу ёмон эмас. Аммо биринчи синфда унинг ёшига мос тарзда ўтилган дарслар бола улғайгач, жуда ҳам оддийдек туюлиб қолиши мумкин.

Айтайлик, йўлни кесиб ўтишда аввал чапга, кейин ўнг тарафга қараш, автотранспорт воситалари йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳаракатни бошлаш керак, деган тартибни олайлик. Ҳа, бу қоида бир неча йиллар олдин мантқиққа тўғри келарди. Бугун шундай йўллар борки, автомобиль ҳаракати деярли тўхтамайди. Йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган одам анчагача кутиб қолиши турган гап.

Замонга қараб, қоидалар ҳам такомиллашиб бораётган экан, мактабда ҳам доимий тарзда ва

қўйиш ҳукуқини бермайди. Яна бир олтин қоида борки, бу одоб-ахлоқ ва инсонийлик туйғуларининг энг олий кўринишини ифода қилади. Ўзингизни ва шубҳасиз бошқаларни ҳурмат қилинг, айниқса, ҳайдовчилар ўзаро ҳурмат асосида ҳаракатланса, нур устига аъло нур бўларди. Ҳурмат қилишингизни автомобильнинг орқа ойналарига ёзиб олишга ҳолат йўқ.

Шунчаки, светофорнинг қизил чироғида тўхтаган одам яшил ёнғунига қадар кутишга мажбур. Унинг орқасидан туриб сигнал чалиш шарт эмас. Ўнгга бурилишда, чапга қайрилишда, асосийси, бир бўлакдан иккинчи бўлакка ўтишда оғохлантирувчи чирокларни ёқишни унутманг. Чунки сизнинг кейинги ҳаракатингиз хаёлингиздан ўтса, бошқаларда уни ўқиб олиш имкони йўқ, афсуски. Тўғри, учарлигиниз бир, икки, ҳатто уч марта ҳам иш бериши мумкин. Бироқ кўза кунда эмас, кунда синади.

ҳам юксак эътирофли фикрлар айта олмастимиз аниқ. Йўлнинг пиёдалар учун ажратилган қисмидан ўтмасдан, истаган жойидан кўчанинг нариги тарафга ошқикетган инсонлар нахотки, ҳамиша омади чопишига ишонса? Ҳайдовчи ҳам инсон, охир-оқибат. Йўлни кесиб ўтаётган кишини кўрмай қолиши ёки кечроқ пайқаш мумкин. Оқибати эса ҳар икки тарафга зарар келтиради.

Айниқса, йўл четида пиёдалар учун махсус йўлакча бўла туриб, автомобиль билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётганларнинг ҳаёллари қаёқда экани жуда қизиқ. Ана шундай фуқаролар ўз ҳаётини кимларга бу қадар ишониб қўётганини билмайди, дейиш хато. Бу борада мутхассислар таҳлиллари бор, ўзимиз ҳам жуда хавфли ҳолатларни кўп учратамиз. Яқинда бир ёши улғў отахон йўлни кесиб ўтмоқчи бўлиб бироз кутди. Автомобиллар қамалвермагач, билганидан қийин, дегандек юра бошлади. Бир зумда тирбандлик юзага келди. У бўлса, ҳайдовчиларни писанд қилмай, секин қадамлар билан йўлида давом этди.

Пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларида йўлнинг белгиланмаган қисмидан ўтаётган пайтда содир бўлиши айтилади. Афсуски, тез ҳаракатланиб келаётган автомобилни тўхтатиб қолиш жуда қийин. Тормоз босилганда ҳам бир қанча жойгача сирпаниб бориб, кейин шиналар айланишдан тўхтади. Шу сабабли йўл ҳаракати қоидаларида пиёда йўлнинг қатнов қисмини яқинлашиб келаётган автомобил билан оралиқдаги масофа ҳамда унинг тезлигини чамалаб кўриб, ўзи учун хавфсиз бўлганда кесиб ўтиши белгиланган. Демак, пиёда ўз ҳаётига масъулдир.

Афсуски, кўпинча айбдор қидириш керак бўлса, қўрсаткичлар ҳайдовчига йўналтирилади. Бироқ асосий айбдор йўлни нотўғри жойдан кесиб ўтган ёки қоидаларга зид равишда мумкин бўлмаган ерда ҳаракатланаётган шахсдир, аслида. Негадир ҳайдовчи жазоланади, жарима тўлайди, ҳам машинасининг, ҳам пиёданнинг зарарини қоплайди. Мана шу парадокс ҳам кўриб чиқиш керакдир, балки.

ҲАЙДОВЧИ, УНУТМАНГ!

Ҳамма билган ҳақиқатларни яна бир бор таъкидлаймиз. Бу жуда ҳам оддий: пиёдалар ўтиш жойидан йўлни кесиб ўтмоқчи бўлганларга йўл беринг, ҳурматли ҳайдовчи. Чунки у ҳам сиз билан тенг ҳуқуқли инсон ва йўл ҳаракатида оид ҳуқуқидан фойдаланмоқчи. Тўғри, сиз шошиб тургандирсиз. Лекин унинг ҳам иши муҳим. Сиз автомобилдасиз ва юмушингиз осон битади. Пиёда эса йўлнинг нариги томонига ўтиб, бекатда йўналиши бўйича жамоат транспортига чиқиши керакдир. Балким уша пиёданнинг бошқа бирор муаммоси бордир, хаста ёки ҳомиладор бўлиши ҳам мумкин. Зеро, унинг нияти сизга халал бериш эмас. Жаҳлингиз чиқмасин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



✓ **Йўллардаги ҳодисалар оқибатида олти ойда 954 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. 9 ойда эса бу кўрсаткич 1 682 нафарга етди. Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари 6 551 тани ташкил этмоқда. Жароҳат олган фуқаролар 5 920 нафар кишидан иборат.**

Бу рақамлар Ички ишлар вазирлигининг жорий йил 9 ойи давомида рўй берган автоҳалокатлар ҳақидаги маълумотида оид. Вазирлик бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг аксарияти ёки 40 фоизи тезликни меъёридан ошириб юбориш натижасида юзага келаётганини таъкидлаган. Яна бир муҳим масала шундаки, ҳаракат иштирокчилари йўл қоидаларини яхши билмайди. Демак, пиёда ва ҳайдовчи ўртасидаги тушунмовчилик ана шу сабабларга кўра, аянчли оқибатлар билан якун топмоқда.

Акс ҳолда, ҳар куни ижтимоий тармоқларни ларзага солаётган аянчли автоҳалокатларнинг бирортаси рўй бермаган бўларди.

Ҳа, яна бир гап. Пиёдани ҳам ҳурмат қилинг. Унга йўл беришни малол олманг. Чунки нафақат сизнинг темир буюмингиз, балки дунёдаги ҳеч бир қимматликлар инсон ҳаёти ва саломатлигидан устун бўла олмайди. Бугун сиз рулда бўлсангиз, эртага пиёдага айланишингиз ёки бунинг акси бўлиши мумкинлиги ҳам энг оддий ҳаёт ҳақиқатларидандир.

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Энди пиёдаларнинг маданиятига тўхталсак. Бу масалада

ОДАМЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ КЕРАК

Энг аввало, рулга ўтиришдан олдин оддий қоидаларни унутмаслик керак: сизга шу қадар ғурур бераётган ҳайдовчилик гувоҳномасини сотиб олманг. Биламиз, пулингиз кўп. Лекин бу сизга бошқаларнинг ҳаётини хавфга

Биласизми?

6 ТА МЕТРО БЕКАТИ АТРОФИДА

автотураргоҳлар ташкил этилади
"Тошкент метрополитени фаолиятининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори (ПҚ-5260-сон, 16.10.2021 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, "Тошкент метрополитени" УК "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ таркибидан Транспорт вазирлиги тизимига ўтказилиб, "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасига ўзгартирилди.

"Тошкент метрополитени" ДУК бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади.

"Тошкент метрополитени" ДУК 2024 йил 1 январгача республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва тегишли рўйхат бўйича импорт товарларни олиб киришда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади.



2022 йил 1 июлгача 7 та метро бекатида (Беруний, Чорсу, Пахтакор, Олмасор, Туркистон, Қўйилқ бозори, Чилонзор) транспорт ўтиш боғламалари;

2022 йил 1 октябргача Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўловчи транспортлар учун 6 та метро бекати (Туркистон, Юнусобод, Чилонзор ва ер ўсти халқа линиясининг 3, 4 ва 5-бекати) атрофида автотураргоҳлар ташкил этилади.

2022 йил 1 январдан қуйидаги маълумот ва хизматларни ўз ичига олувчи мобил илова ишлаш таъминланади:

- метрополитен йўналишлари (уларнинг қурилиши бўйича маълумотлар);
- бекатлар (улар атрофида жойлашган объектлар ва жамоат транспорти йўналишлари);
- поездлар ҳаракати жадвали;
- электрон тўлов.

2022 йил 1 апрелгача ер ўсти халқа метро бекати йўналишида йўловчилар учун бепул WI-FI тизими билан боғлаш ва ер ўсти метро бекатларида мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Қарор билан шунингдек, 2021-2023 йилларда Тошкент метрополитенида йўловчи ташиш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси тасдиқланади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.

ЭЪЛОН

"НАМАНГАН СУВ ТАЪМИНОТИ" МЧЖ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ЁЛЛАШ УЧУН "ЎЗСУВТАЪМИНОТ" АЖ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш учун 2021 йил 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 152-ўйда жойлашган "Ўзсувтаъминот" АЖ почта манзилига ёки электрон почта E-mail: corporate@uzsuv.uz орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборилиши лозим:

- аудиторнинг резюмеси;
- аудиторнинг паспорти ва дипломининг нусхалари;
- аудитор ва ички аудитор сертификатининг нусхаси;
- ҳар йили малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида маълумот.
- Номзод учун асосий талаблар:
- Олий иқтисодий маълумот;
- Бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида сўнгги ўн йил ичида камида беш йил амалий иш тажрибаси;
- Сув таъминоти ва оқова сув хизмати соҳаси бўйича етарли маълумотга эга бўлиши;
- Махсус аудиторлик кўникмаларини қўллаш, халқаро бухгалтерия стандартларини билиши.

Ички аудит хизмати ходимларини ёллаш "Наманган сув таъминоти" МЧЖнинг ягона иштирокчиси – "Ўзсувтаъминот" АЖ қарори билан амалга оширилади.

Қўрсатилган муддатлардан кейин қиртилган таклифлар ҳаққидан эмас, деб ҳисобланади ва кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Мурожаат учун телефонлар:
(55)503 12 55 (119), (99)458 05 02.

Яшнобод политехника касб-хунара коллежи томонидан Холмирзаева Гулрухсор Отабек қизига 2017 йилда берилган К №4880196 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Куз шамолида турган мева ва сабзавотлар қишда яхши сақланади.

KUZ XAYOLLARI

ҲАВОЛАРДА ТОРТИЛАР МЕЗОН...

МЕЗОН – ЖАЗИРАМА ЁЗ ВА ҚАҲРАТОН ҚИШ ЎРТАСИДАГИ ДИЛБАР ФУСУНКОР ПАЛЛА. ВА САРҲИСОБ ВАҚТИ ЕТГАНИГА ИШОРА, НАЗАРИМДА.

БУ САРҲИСОБ НАТИЖАСИ БОЗОР РАСТАЛАРИДАН ТОРТИБ, СОВУҚ КУНЛАРДАН СОҒ-САЛОМАТ БАҲОРГА ЕТИБ ОЛИШ ИСТАГИ БИЛАН КЎРИЛГАН ҲОЗИРЛИҚДА ҲАМ АКС ЭТАДИ. ҚАРАНГ, БОЗОРЛАР ТУРЛИ НОЗУ НЕЪМАТЛАРГА ТЎЛА. КЕЛИНБАРМОҚ, ЧАРОС, ХУСАЙНИ, РИЗАМАТ БИЛЛУРДЕК ТОВЛАНАДИ.

...сотувчининг овози қулоққа чалинади: "Ёқутдек олмалар, мазаси қалбингизни ашнатади, чиройи хонадонингизни. Бай-бай-бай, тўя тиш анорларни еганлар дармонда, емаганлар армонда".

Беихтиёр ўша тарафга юра бошлайман. Рас-тага маржондек тизилган анорга кўзим тушади. Яқинроқ бориб, нархи билан қизиқаман. Нордон анор арзонроқ, ширини нархига яраша. Нархи учун эмас, нордон анорнинг фойдаси кўпроқ, деб эшитганим сабабли ва иштаҳа очар таъми боис иккаласидан ҳам сотиб оламан. Ёнимдаги аёл "Куз совуғини еган узумлардан ҳам олиб кетинг", дейди қулиб. Деҳқон-у боғбонларнинг йил давомида тўккан пешона тери эвазига нафақат ҳосил мўл, балки дастурхонларимиз тўкин, қўнглимиз тўк.

Зарур харажатларни тугатиб, уйга қайтаман. Онам "Эсимдан чиқибди, қовун ҳам олгин, демакчи эдим. Майли, келаси сафар оларсан", дейдилар қўнғироқ қилиб. Уларнинг хоҳишларини билганим боис сотиб олган эдим. Ҳазиллашиб: "Хўп, онам, ўзингизга маъқулини ёнимиздаги дўкандан оларсиз", дейман. Чунки уйга қайтганимда кўзларидаги мамнуният ифодасини кўришининг завқи бошқача-да. "Ўзимизнинг меваларга етмайди банани ҳам, апельсини ҳам. Айниқса, қовун жуда фойдали. Тилими тилни ёради нақд", деб бозор-ўчарни жойлашга ёрдамлашади онам.

Мен эса доимгидек фақат табассум қилиб қўяман. Ойим табиатини билгани боис, эътироз билдирмайдилар. Шундай қилиб, дам олиш кўнига режалаштирилган ишларнинг асосийси тугади. Ойимнинг қўнглини олдим. Истақларини бажо келтирдим. Аммо, эртага ишга боргим йўқ. Ахир шундоқ оstonада борлиқни ноёб рангларга, пурмаъно туйғуларга буркаб, олтин куз ястаниб ётибди.

Табиатнинг барча рангларини ўзида акс эттирган бу гўзал куз хотирларни жонлантиради, ўйлашга, ўз-ўзимни сўроқ қилишга ундайди. Дарахт япроқлари билан тўлган йўлак бўйлаб ёлғиз сайрга ошиқаман. Чунки, унда болагим бор. Ҳеч кимга айта олмаган сирлар яширин...

...ёмғирнинг шитирлашига қоришиб кетган бувимнинг эртақлари қулоғим остида янграйди. Қишлоққа – онам тугилиб ўсган уйга боргани-

тушини томоша қилиб ётишининг гашти ўзгача эди. Худдики, бувимнинг ҳикоялари ҳақиқатга айланган-у, мен унинг ичига тушиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни. Шу алпозда бир зумда уйкуга кетар эканман. Ойим бўлса, уйга олиб кириб ётқизиб қўярдилар. Эрталаб уйғонгач, нега мен бу ерданман, деб хархаша қилсам, яқиндагина олиб кирганларини, туни билан ўша ерда ухлаганимни айтиб юпатарди. Бола эканман, дарров ишонардим.

Нонуштага оққанд, янги соғилган сигир сутидан қаймоқ, ҳозиргина узилган хўсайни узуми, ёнғоқнинг шу йилги ҳосилидан, сарёғ ва иссиқ нон. Эрталабда ширинлик ейишни ёқтирмаганим учун менга уй товуғининг тухумини сарёғга қовуриб беришарди.

Болалиқда инсон ноз-неъматларнинг қадрини ўқиди турсин, таъми ҳақида ҳам ўйлаб ўтирмас экан. Ҳозир ҳам қишлоққа борсам, ўша шаклдаги нонушта. Дастурхонда ҳаммаси "свой огород". Хатто уларнинг ёнига асал, турли ширинликлар, қанд-курс қўшилган. Яна ҳам тўкинроқ тусга кирган. Бироқ, болагимдаги таъмига ўхшамайди. Гўёки, у ҳам болагим сингари узок ўтмишга фарқ бўлгандек.

Шу каби хаёллар оғушида турар эканман, бир қизалоқ диққатимни бўлади. Онаси билан сайрга чиққан қизча барг териш билан банд. Телефонда ким биландир суҳбатлашаётган онасига тинмай гапирди. Қайси баргин олгани, нечта йиққани, уларнинг ранги, ҳажми ҳақида ўз тилида бир нималарни чуғурлайди. Ора-орада аёлнинг қизига "Баракалла, қизим. Эҳтиёт бўл, қизим. Узокқа кетиб қолма, қизим" каби хитоблари эшитилиб туради. Камалак рангидаги япроқлар билан қопланган ерда қизчининг оёғи тойиб, ўтириб қолди. "Ухх, қаттиқ тушмади-микин", дедим. Қарасам, онаси бунини кўрмади.

У қизча эса нажот истаб, ўша томонга қараб турибди. Ёнига бордим. Менга ақин жойда эди. Бунини кўрган қизалоқ тез ўрнидан турди ва онасининг ёнига қопқиллаб кетиб қолди. Аёл бир нималарни тушунтирди ва мен томонга қараб қулиб қўйди. Қизалоқ бегона одамдан кўрқиб қочганини аниглади.

Атрофини томоша қилиб, яна хаёлларга чўммоқчи бўлиб турганимда кичкинтой ёнимга

мизда, ҳаво салқин дейишларига ҳам қарамасдан ташқарида ухлайман, деб туриб олардим.

Айниқса, ёмғир ёққан пайтлари, томчиларнинг ерга барглари сувга оқизганимиз, бир кўприк остига кириб кетса, унинг нариги тарафига чопиб ўтиб томоша қилганларимиз тасмага туширилган тасвирдек кўз олдимдан ўтди. Юрагим энтикиб уйга қайтдим...

...қишлоқда тоғамнинг қизи билан барг тўплаганларимиз ва не-не машаққатларда йиғилган барглари сувга оқизганимиз, бир кўприк остига кириб кетса, унинг нариги тарафига чопиб ўтиб томоша қилганларимиз тасмага туширилган тасвирдек кўз олдимдан ўтди. Юрагим энтикиб уйга қайтдим...

Ойим норози оҳангда "Ўзи бир кун дам оласан, шунда ҳам кўчага чиқиб кетдинг", дедилар. Аслида, бояги қовунни баҳам кўриш учун мени кутган эканлар. Онамга доим мени кутманг, десам қулоқ солмайдилар.

Онамлар 9 фарзанд бўлишган. Табиийки, набиралар ҳам шунга яраша кўпчилик эдик. Йиғилсак, тўй бўлиб кетарди. Бобом эса сўрида ўтириб олиб, барчамизга навбатга туришни айтарди. Биз ҳам бирма-бир тилим қилинган қовунни олардик. Қизиги, биринчи қовун олган одам охиригисига берилгунча еб бўлиб, яна қаторга қўшиллардик. Бобом эса то тўйгунимизча бир неча қовунни сўйиб, чарчамасдилар. Энди ўйласам, у пайтнинг одамлари ҳам бошқача бўлган экан. Қалблари дарёдек, бирор марта овозини баланд кўтармас, бирор ишга буюрсалар, доим раббатлантирадилар.

Душанба. Ишдаман. Хотираларни уйғотган куз ҳақида бир нималар ўқишни истадим. Бир жойда куз худди тулкига ўхшайди, сариқ, ўйин-қароқ, юмшоқ ва илиқ, деган сўзларга кўзим тушди. Гул рангига кирган япроқлар атрофни ранго-ранг гиламга тўшайди. Фақатгина шу фаслда япроқлар шитирлашдан қалбингиз энтикади. Қишки мавсумга тайёргарлик, янги режалар, орзулар фасли ҳақида маълумот қидиранман. Шу жойда мезон ҳақида фактларни топиб оламан.

Эрталаблари эсган майин шамол кун ўтгани сайин этни кўпроқ жунжитиради. Табиийки, бу мезон шамоли. Чунки табиат қонунига кўра, иссиқ кунлар ўрнини бошқа бир фаслга секин-аста бўшатиб бermoқда.

Ҳеч кузатганмисиз, мезон шамоли эсганда ҳавода оппоқ момик толалар кўзга ташланади. Халқимиз мана шу гўзалликни ҳам мезон, деб атайди суюб. Бугун айни ҳаволарда мезонлар тортилиб турган пайт – кузнинг омонат қуёшли кунлари.

Айтишларича, мезон торларининг ингичка ёки қалинлигига қараб, қиш қандай келиши



2021 йил, 42-сон (32684) **hanba, 2021-yil.**

тахмин қилинади. Яъни, юқорида айтганимиз ҳавода тортилган мезон ингичка бўлса, қиш енгил келиб, у қадар совуқ кузатилмайд. Қалин бўлса, бунинг акси. Қиш қаттиқ бўлиши мумкин.

Яна бир қарашларга кўра, мезоннинг бирор жойида тугун ҳам кўзга ташланар экан. Ана шундай ҳолат бўлса, ҳаво ҳароратида кескин ўзгаришлар рўй беради. Ҳа, мезонда недир сеҳр борга ўхшайди...

Баъзи бир жойларда тарозу, деб юритилувчи бу ой шамсий йил тақвимида еттинчи ҳисобланади. Мезон номи берилиши ҳам айни ушбу ҳолат билан боғлиқ бўлиб, тенглик, меъёр маъносини ҳам билдиради. Биламиз, йил боши Наврўз, яъни ҳамал билан бошланади. Бу эса тун ва куннинг тенглигини аниглайди. Мезонда ҳам худди шундай ҳолат такрорланади. Табиатда кун ва тун тенглиги ҳодисаси содир бўлади. Халқимиз бу ойни интиқ бўлиб кутади. Боиси йил давомида қилинган меҳнат самараси шу паллада кўринади. Ҳалбир сувдан кўтарилиб, сарҳисоб вақтида етиштирилган ҳосил ҳисоб-китоб қилинади. Мезоннинг ҳақиқати шудир, балки.

Халқ орасида куз шамолини еган узум, олма ёки анор ҳақида эшитганмиз. Қиров теккан турп ёки сабзилар таърифини ҳам биламиз. Бунинг замирида ҳам айни мезон тушунчаси мужассам. Гап шундаки, куз шамолида турган мева ва сабзавотлар қишда яхши сақланади. Деҳқон-у боғбонлар баҳор мавсумига, деб сақлайдиган маҳсулотларини мезон шамолига қолдиргач, кейин йиғиб олади. Улар мезоннинг ҳикматига ишонадилар.

Эрта-индин ана шундай ҳикматларга бой мезоннинг охириги кунлари. Атроф олов рангдан қизғиш тусга ўтди. Пойимизга тўшалган рангин гилам табиатнинг неъматини экани қалбда шукрона уйғотади. Қуёшнинг қучсиз нурларида тобланишга шошамиз. Кўп қаватли бинолардан бир мuddат ташқарига чиқамиз, офтобнинг тафтидан вужудимизни ҳузур ва оромбахш туйғулар чулғаб олади. Қишнинг қисқа ва совуқ кунларидан соғ-саломат ўтиб олиш мақсадида ишдан бўш пайтлари пиеда юришга, кўпроқ қуёшга тўйиб олишга ҳаракат қиламиз. Бу мезоннинг сеҳридан дарак.

Мезоннинг яна бир жиҳати шундаки, деҳқонлар ерни келгуси йил ҳосили учун ҳозирлай бошлайди. Шудгорлаш ва ўғит бериш ишлари қизгин паллага киради. Боғбонлар дарахтларни бутайди, ортиқча шоҳларни кесди, анор ва узум тоқларини кўмиш тадбирлари олиб борилади. Ҳамма ой якунига қадар ишларини биттириб олишга ошиқади. Бунда ҳам мезон ҳикмати яширин. Шундан бўлса керак, нафақат жорий йил ҳисоби, балки келгуси йил тақдирига ҳам дахл қилувчи мезондан сўнг ёз бўлмаслигини эслатуви мақоллар ҳам бисёр.

Бир неча кундан кейин акраб кириб келади. Ерга шудринг тушиб, тонглари баргларда томчилар ҳосил бўлади. Ёмғирлар мавсуми бошланади. Демак, қишлоқ хўжалиги соҳасида қизгин меҳнат якунига етказилиш арафасида. Чунки акраб совуқ қақиради, қаҳратонга етаклайди.

Ҳар йили бу ҳодисалар такрорланади. Ягона фарқи ҳаммага ҳам уни кўриш, ҳис қилиш на-сиб бўлавермайди. Йил бошидан буён кўплаб машҳур инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Ўзбекистон халқ артистлари Мирза Азизов, Шўхрат Эргашев, Баҳодир Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммад Рафиқов, спорт усталири Камолддин Расулов, Мурод Хонтураев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ва яна кўплаб инсонлар бу оламни тарк этди.

Улар орасида мен ва мен қаби кўзлаб шо-гирдларга устозлик қилган, ўқиб қалам сохи-би, маҳоратли ижодкор, қам сонли инсонларга на-сиб этган унвон эгаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остоновни ўлим ора-миздан олиб кетди. Машҳур бўлмаган, бироқ бизга қадрдон-у яқинларимиз қанча...

Бузул совуқ тулпоқ остида бутун ҳаётининг сарҳисобини қилаётган ва Яратган олдида жавоб бераётган инсонлар яқинда орамизда, сафларимизда эди, халқ хизматида эди. Бар-чамизнинг борар манзилимиз аниқ. Фақат унга элтар йўллар турфа. Виждонимиз олдида ҳисоб бериш, ойнага қараганда уялмаслик учун хайрли ишни бугун қилайлик. Яқинларимизни, қадрдон-ларимизни бузул йўқлайлик. Кеч бўлмасидан ота-онамизга, боламизга, оиламизга вақт ажратайлик. Уларнинг қадрини билайлик. Токи, вақти келганда мезон палласида яхшиликларимиз устун бўлсин.

Зилола Анвар қизи.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

“ПАРРАНДАСАНОАТ”НИНГ СИНОАТИ – МИКРОКРЕДИТ САМАРАСИДА

Миллий матбуот марказида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан “Парранда-чиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Давлат раҳбарининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар борасида маълумотлар берилди. Шунингдек, банк томонидан Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва “Паррандасаноат” уюшмасининг масъул ходимлари билан биргаликда Андижон, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа вилоятларда паррандачилик корхоналарининг бугунги ҳолати, бирон муаммоли масалалари бор-йўқлиги ўрганилиб, уларга қонунда белгиланган тартибда ёрдам кўрсатилиб келинаётгани ҳам таъкидланди.

– Мисол учун, Хоразм вилоятидаги 120 минг бош парранда етиштириш имконияти мавжуд бўлган, бироқ молиявий маблағлар етишмаслиги натижасида фаолияти тўхтаб қолган “Қўшқўпир парранда” МЧЖнинг 42 миллиард сўмлик олдинги кредит қарздор-ликлари муддати узайтирилиб, айланма маблағ учун қўшимча 10 миллиард сўм кредит ажратиш ҳисобига тадбиркорнинг фаолияти қайта тикланди, – дейди “Микрокредитбанк” АТБ бошқарув раиси ўринбосари Рустам Сулаймонов. – Бундан ташқари, Наманган вилоятида жойлашган 120 минг бош парранда боқиш қувватига эга бўлган, бугунги кунда ҳам қувватда ишлаётган “Косонсой истиқ-лол парранда” МЧЖ га 7,4 миллиард сўм, Сурхондарё вилоятидаги 300 минг бош парранда етиштириш қувватига эга бўлган “Термиз паррандачилик фабрикаси” МЧЖ га 4,0 миллиард сўм кредитлар

ажратиш ҳисобига тўлиқ қувват билан ишлаши таъминланди. Қолаверса, келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм ва Фарғона вилоятларида шу соҳада тадбиркорлик қи-лаётганларга ҳам молиявий ёрдам кўрсатишни режа қилганмиз. Шунингдек, анжуманда ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мавжуд паррандачилик корхоналари фаолияти инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятини тиклаш ва янада ошириш бўйича аниқ чора-тадбир белгилаб олингани ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Хусусан, инвентаризация натижаларига кўра, парранда озуқа-си захирасини жамлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун ҳудудлардан 151 та тадбиркорлик субъектлари бўйича 537,7 миллиард сўмлик банк кредити шаклланган бўлиб, бугунги кунга қадар ушбу талаб асосида 170 миллиард сўмлик 42 та лойиҳага 115 миллиард сўм кредит ажратиб берилган ва қолган лойиҳалар бўйича ҳужжатлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Қолаверса, республиканинг табиий-иклим шароитига мос бўл-ган паррандаларни аҳоли хонадонларида парварिश қилиш учун банк томонидан 4860 та жисмоний шахсга 128,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши на-тижасида йилига қўшимча 966 миллион дона тухум ва 62,2 минг тонна парранда гўшти етиштириш қувватлари яратилди. Парран-дачилик йўналишида лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича банк томонидан ишлар давом эттирилмоқда.

Тадбир сўнггида банк томонидан амалга оширилиши режалаш-тирилаётган бошқа истиқболли лойиҳалар, келгусидаги асосий йўналишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди ва журналистлар-ни қизиқтирган бошқа кўплаб саволларга мутахассислар жавоб қайтарилди.

**Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

СУНБАТ

Баҳони мухлислар, халқ беради.

20-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№42 (32684)

АНВАР ҒАНИЕВ:

„САНЪАТ – МЕН
УЧУН ТИРИКЧИЛИК
МАНБАИ ЭМАС!“

Аслида санъаткор, ижодкорлар кўнгил одами ҳисобланади. Аммо манфаатлар устун бўлган, яқинларимиз кўнглини олишга-да вақтимиз тигиз бўлган бугунги шиддатли даврда бундай тоифа кишиларга бироз қийинроқ назаримизда. Таҳририятимизнинг бу галги меҳмони – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Ғаниев ҳам том маънода кўнгил кишиси, таъсирчан инсон, нозиктаъб ижодкор. Шу боисми, у кўнгил мавзусига кўпроқ мурожаат қилади. Қўшиқларини юрак амри билан яратади, мухлисларга асл санъат илинади. Унинг “Кўнглим”, “Оҳ, севаман”, “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш”, “Ўзим ҳофиз” номли қўшиқлари халқимиз юрагидан жой олиб улгурган, уларни ҳамон севиб тинглаймиз, эшитамиз. Бугун биз ҳофизнинг кўнгил куйларига қулоқ тутдик.

— Ижодингизда танаффуслар кўп бўлади. Баъзан шиддатли, баъзан сокинлик билан қадам ташлашингиз бугунги давр учун қанчалик тўғри келади, деб ўйлайсиз?..

— Ҳа, кўпинча шундай бўлади. Ижодимни бошлаганимдан буён фаолиятим бир текисда бормайди. Бир илҳом келади, кейин тўхтаб қолади. Мен руҳият оламида яшайман. Кўнглим буюргандагина қўшиқ яратаман. Фақат шоу-бизнес билан тирикчилик қиламан, деган ҳаёлда юрмайман. Тўғра чиқишим керак, тўйбоп қўшиқ қилишим керак, деб тўғри келган куйни басталмайман, тўғри келган шеърга мурожаат қилолмайман.

— Ҳалигача сўраладиган қўшиқларим бор. Негаки, улар яхши шеърлар асосида яратилган. Яхши ижод билан дунёга келган. Машраб Бобоев, Мухаммад Юсуф каби шоирларнинг ижоди мени доим ўзига тортган. Кўплаб қўшиқларимда улардан фойдаланганман ва улар ўз мухлисларини топган. Мухлислар учун ҳалигача қадрли бўлиб келмоқда.

— Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги матнни ҳам ўзлари ёзишади, куйни ҳам ўзлари басталашади. Натижада уларнинг ижод маҳсули вақт синовидан ўтолмайди, тез унутилади.

— Айни пайтда яна бир қатор қўшиқлар устида ишляпмиз. Ижодимизда яхши янгилликлар бор. Яқинда мухлисларга кетмакет янги қўшиқлар тақдим этамиз.

— Шу ўринда ота-онангизнинг фазилатлари, ўғитлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз. Ва ўзингиз фарзандларингиз билан кўпроқ қандай мавзуларда суҳбатлашасиз?

— Ота-онам тўғри сўз, ҳалол одамлар, оддий инсонлар. Бировни алдашмаган, ҳамиша тўғри йўлда бўлишган. Биз ҳам шундай тарбия олганмиз. Улар менинг

» БОЛАЛАРИМНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, ЭРИШАДИГАН ЮТУҚЛАРИ БУГУН ОЛАЁТГАН ТАРБИЯСИ, БИЛИМИГА БОҒЛИҚ. ШУ БОИС УЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛАМАН, ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН.

санъаткор бўлишмни хоҳлашган. Болалигимдан мусиқачилиikka ўқишга беришган. Санъаткор ҳамиша халқ хизматига бўлади. Бизга ҳам тўғри йўлда бўлгин, бировни алдама, айтган сўзингнинг устидан чиқ, дея насиҳат қилишган.

— Дадам дутор ясайдилар. Шу билан бирга ўзлари яхши кўрган қўшиқларни хиргойи қилиб юрадилар. Мен ҳам фарзандларимга уларнинг ўғитларини айтиб келаман. Майли, кўп пул топма, кам топ, аммо ҳалол топ, дейман уларга. Албатта, уларнинг комил инсонлар бўлишини ният қиламан.

— Бугун санъатни ерга ураётганлар ҳам бор, унинг қаймоғини сузиб оладиганлар ҳам. Сиз шу заҳматнинг ичидасиз ва уларнинг бир вакили сифатида ижод аҳлига берилаётган

баҳоларга қандай қарайсиз?

— Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчади. Ўзича фикрлайди, ўзича ҳулоса қилади. Тўғри, санъат даражасига чиққан асарлар бор, улар орасида санъат, деб бўлмайдиганлари ҳам учрайди. Элақда қолгани қолади. Иқтидорни-ку, гапирмайлик, баъзилар ҳатто санъатга алоқаси бўлмаса ҳам қўшиқ куйлагиси келади, танилгиси келади. Кимдир санъатдан фойдаланади. Буларни, албатта, оқлаб бўлмайди. Чунки, санъат – муқаддас, уни шундай азиз билсагина, ҳурмат қилсагина, элда азиз бўлади. Нима бўлганда ҳам баҳони мухлислар, халқ беради.

— Оддий одамлар орасида дўстларингиз борми? Оддийлик, одамларга яқинлик ижодкорга нима беради?

— Мен шундоқ ҳам доим оддий одамлар орасидаман. Чирчик шахрида тутилганман. У ерда дўстларим бор, синфдошларим бор. Тез-тез кўришиб турамиз, йиғилиб тураемиз. Уларнинг давраси барибир бошқача. Қандайдир самимий, ёруғ. Ўзим ҳам оддийликка ҳаракат қиламан. Оддий одамлар билан камтаринлик, самимийликини ҳис қиласиз. Кўнгил хотиржамлигини туясиз. Дўстларим даврасида ҳеч нарсани ўйламай шунчаки ҳаётдан завқ оламан. Баъзан ҳар хил давраларга мослашишга тўғри келади. Оддий билан оддий тилда, қолганлари билан ўзига яраша савол-жавоб қиласиз, суҳбатлашасиз. Нима бўлганда ҳам санъаткор ҳамиша халқ назарида, эътиборида туради. Шу боис қандай бўлсам, шундай бўлишга, сийратимдаги суратимда бўлишга ҳаракат қиламан.

— Ҳаётда сизни нималар ташвишлантиради, нималар илҳомлантиради?

— Мени яхши қўшиқ илҳомлантиради. Устозлар қўшиқларини эшитаман. Болалигимдаги қўшиқларни тинглайман. Чет эл эстрадасини ҳам. “Гулдан гул чанг олади”, дейишади. Ижодкор ҳар доим ҳам янгилик яратишга қийналади. Бир қўшиқдан илҳом олиш орқали янги қўшиқ яратишлиши мумкин. Бу яхши оҳанг, кичкинагина нола бўлиши ҳам мумкин. Мен куй-қўшиқдан иҳомланаман.

— Барча ота-она сингари фарзандларим тақдиридан хавотирланаман. Бу хавотир ҳам эмас, қандайдир масъулият, уларга бўлган меҳр бўлса керак кўпроқ. Қаерда юрибди, нималар билан банд, ҳаёлида қандай ўйлар... шуларга қизиқаман. Келажаги ҳақида қайгураман. Уларга яхши тарбия бера оляпманми, деган савол доим кўндаланг бўлади. Негаки, болаларимнинг эртанги кун, эришадиган ютуқлари бугун олаётган тарбияси, билимига боғлиқ. Шу боис уларни назорат қиламан, тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қиламан.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Гулрух ОДАШБОВА суҳбатлашди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Инсоннинг феъли қизиқ-да. Кимдир арзимаган сабаблар билан тушкунликка тушиб қолади, баъзилар турмуш ташвишларидан нолиб яшайди. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, бошқа инсонларга нисбатан айрим имконияти чекланган бўлса-да турмуши яхши бўлиши учун ҳаракат қилиб, ҳаёт синовларини матонат билан енгиб яшашда давом этмоқда.

МАФТУНАНИНГ
МАТОНАТИ

ОЁҚЛАРИ БИЛАН РАСМ ЧИЗИБ,
МЎЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАН ҚИЗНИНГ
ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Қумқўрғон туманининг “Исломобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтуна Эшбоева ҳам ана шундай матонатли ва жасоратли қизлардан. Ўн тўрт ёшни қарши олган қаҳрамонимиз 1-гурӯх ногирони. Ўздаклик чоғларида хасталик туфайли унинг қўллари ривожланмай қолади. Аста-секин эса оёқларида ҳам нуқсонлар пайдо бўлган. Шундай бўлса-да, у тасвирий санъатга меҳр қўйиб, орзулар сари интила бошлайди.

— Аслида, яшашнинг ўзи катта бахт, — дейди Мафтуна. — Бунинг учун курашиш керак. Олти ёшгача тўшақда ётган бўлсам, меҳрибон ота-онамнинг кўмаги ва азиз устозларимнинг жонқуярлиги туфайли оёқларим билан расм чизишни ўргана бошладим. Бу гапларим кимгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо бу ҳақиқат. Авваламга қийналдим, кейинчалик борлиқни ранг-тасвирларда намойиш этиш ҳаётим мазмунига айланди. Бугунгача “Она-Ватан”, “Мустақиллик”, “Истиқлол фарзандлари”, “Сурхон табиати”, “Менинг мактабим” ва бошқа мавзуларда 200 дан ортиқ сурат чизганман. Қўллаб кўрик-танлов ва мусобақалар қолиби бўлишим билан бирга ўндан ортиқ “Фахрий ёрлиқ”, “Ташаккурнома” ва дипломларим ҳам бор. Келажақда дизайнер бўлмоқчиман.

Қаҳрамонимиз математика, физика, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа фанларга қизиқади. Бадиий китоб мутолааси унинг жону дили. Бундан ташқари, онасининг яқин сирдоши ва кўмакчиси ҳамдир.

— Интилган киши албатта, орзусига эришар экан, — дейди Мафтунанинг онаси Гулсодат Худойкулова. — Қизим кучли тафаккур ва ажойиб истеъдод соҳибаси. Зукко, талабчан, қизикувчан, изланувчан ва интилувчан. Ҳаётни бошқалардан кўра кўпроқ севади. Атрофдаги ўзгаришларни тезроқ англаб олишга қодир. Мақсадига эришагунча, ҳаракат қилаверади. Оёқлари билан чизган бетакрор расмларини ҳақиқий қаҳрамонлик, деб биламан.

Тўғри, ота-она учун фарзандининг нуқсонини кўриш ниҳоятда огир. Аммо қизнинг онаси бундан асло тушкунликка тушмайди. Аксинча, дилбандининг яшашга бўлган қизиқишини ошириб, ғалабаларга етаклаётгани қувонарли.


— Бугунги кунда ҳудудимизда 30 дан ортиқ тақдир тақозоси билан ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилмоқда, — дейди Қумқўрғон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари Нигора Жумаева. — Уларни туман ҳокимлиги масъуллари, халқ таълими бўлими мутасаддилари ва секторлар раҳбарлари доимо қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришади. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан ана шундай юртдошларимиз қатори Мафтуна Эшбоева ҳам туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Зеро, яхшилик қилиш ва муруват кўрсатиш фаолиятимизнинг энг асосий мезонига айланган.

Аслида, инсон иродаси темирга қиёсланади. Эзгуликка интилаётган бу қизни мустаҳкам пўлатга менгаш мумкин. У маҳорати ва матонати билан кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлган. Кучли идрок соҳибаси келажақда рассом бўладими ёки дизайнерми, энг муҳими, комил инсон бўлиб вояга етса, шунинг ўзи катта бахт.

— Истеъдодли қизимиз 7-синф ўқувчиси ҳисобланади, — дейди 30-умумий ўрта таълим мактаби директори Алишер Қаранов. — У уйда таҳсил оляпти. Зарур шароитлар яратиб берилган. Махсус ўқитувчи ва устозлар ажратилган. Ажойиб қобилият соҳибаси оёқлари билан соғлом қўллар каби мўъжиза яратмоқда. Шундай экан, фидойилик, жасорат, матонат ва мақсад сари интилишни Мафтунадан ўрганса арзийди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲАЁТ САБОҒИ



«Ҳар бир одамнинг ҳаётида бир марта бойлик унинг эшигини қоқди, аммо бу вақтда одамлар кўнглига қовоқхонада ўтиришдан бўлади ва мақуллаш овозини эшитишмайди»

Марк Твен

O'zbekiston ovozi

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1041. 20130 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 00:30.

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda